

## Улуғлиги йиллар ўтган сари улғайиб бораётган ҳазратим...



15:50 / 04.04.2020 3733

Улуғ устоз, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари орамизда бўлганларида бугун 68 ёшни қаршилаган бўлар эдилар. Аллоҳ у кишини раҳматига олсин!

Ҳазрат кетдилар-у, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада катта бўшлиқ пайдо бўлди. Мана, бир неча йиллар ўтган бўлса-да, ёш олимларимиз ҳали у бўшлиқни кўпчилик бўлиб ҳам тўлдиролмаяпти. Минг афсус, ҳазратнинг жуда кўп имкониятларининг эшиклари очилмади ҳам. Аниқ эсимда, ҳазратнинг вафотларидан икки йилча аввал, имом-хатиблар учун малака ошириш курслари ташкил этилиб, малака оширишга бордик. Бир дарсни юртимиздаги тасаввуф бўйича илмий иш қилаётган зиёли бир мутахассис ўтди. Дарс айна тасаввуф мавзусида эди. Устоз бугунги кунда юртимиздаги тариқатлар ва уларнинг муршидлари ҳақида гапирар экан, жуда кўп замондош тариқат пешволарининг шариатга зид ишларини, соф тариқат йўлидан адашганликларини турли мисоллар билан тушунтирди... Дарс сўнггида бир имом-хатиб савол учун қўл кўтариб, «Домла, сиз бугунги сохта тариқатчилар, уларнинг муршидлари ҳақида кўп гапларни айтдингиз. Билдикки, юртимиздаги ҳозирги биз билган таниқли муршидларнинг ҳаммасининг ишлари шариатга хилоф экан. Менинг саволим шуки, юртимизда муршидликка, соф тасаввуфга устоз бўлишга

ярайдиган устозлар борми?» деди. Мен жуда тўлқинланиб, ҳозир устоз: «Ҳа, шайх ҳазратлари борлар. У киши ҳар томонлама муносиб устозлар», деса керак деб, кутдим. Минг афсус, устознинг қалбидан шу нарса ўтган бўлиши мумкин, лекин ўша вақтдаги вазиятдан қўрқиб, айта олмай, «Энди, шариатга амал қилишнинг ўзи кифоя, китоблар кўп, инсон ўқиб, изланиб, кўп нарсага эришса бўлади, тариқат эҳтиётий нарса...» деб, гапни айлантириб кетди. Ўшанда бу устоздан ҳамманинг энсаси қотди...

Мана, бугун шайх ҳазратларининг ўрнини ким ва қачон тўлдиради деган савол ҳаммани қийнапти. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам боласи неъматларни йўқотгандан кейингина қадрига етади», деб бежиз айтмаганлар.

Аллоҳ шайх ҳазратларини Ўз раҳматига олсин! У Зот биз осийларни бу дунёда шундай зот билан бирга бўлишни насиб қилди, жаннатда ҳам бирга қилсин!

### **Ҳазратимни хотирлаб**

Бундан олтмиш саккиз йиллар муқаддам,

Аллоҳ Раҳмати-ла сийланди олам.

Ўзбегим юртида, водий томонда,

Дунёга келганди буюк бир одам.

Тақвонинг меваси бўлди бу гўдак,

Дин учун шундайлар ҳар доим керак.

Бир исм қўйишди эзгу ният-ла:

«Муҳаммадга содиқ бўлмоғи керак».

Улғайди ёшлиқдан буюкларга хос,

Оила муҳити худди шунга мос.

Аллоҳ илм берди ҳамда тарбия,

Ўқиди, изланди, толмай бир нафас.

Қанча хизмат қилди бу уммат учун,  
Сарфлаб бор илмин ҳамда бор кучин.  
Дин учун не қайғу, неки ғам бўлса,  
Соч-соқол оқарди, э воҳ, биз учун.  
Ҳам устоз бўлдилар, ҳамда бир толиб,  
Мол-дунё, манманлик келмади ғолиб.  
Қўйилди тўсиқлар умид йўлига,  
Қанча армонларни кетдилар олиб.  
Минг ташвиш кўтарди ожиз бошига,  
Душман ҳам лол қолди шайх бардошига.  
Лек юрак чидолмай, жон таслим қилди,  
Етганда ҳазратим Расул ёшига.  
Қанча шогирдлари чиқди хизматга,  
Аллоҳим, тўлдиргин илму ҳикматга.  
Юртимиз гуллабон яшнаши учун,  
Муҳаммад Содиклар керак миллатга.

**Миршавкат Музаффар**